


Халқаро илмий-науқарий айнұмынан  
Тәрікеттің 2019 жыл, 9 ферзде

# АЛШЕР НАУОМ ВА ХІ АСР



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети

# «АЛИШЕР НАВОИЙ ва XXI АСР»

мавзуидаги халқаро илмий-назарий  
анжумани материаллари

Тошкент – 2019

УУК: 82.0(100) /20/:821.512.133 (092)

КВК:

Навоий А. (06)

“Алишер Навоий ва XXI аср”: республика илмий-назарий анжумани материаллари; / масъул мухаррир Ш.Сирожиддинов. Т.: “Навоий университети” Нашриёт-матбаа уйи”, 2019. – 556

**Масъул мухаррир:**  
**Шуҳрат Сирожиддинов,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Лойиха раҳбари:**  
**Нурбай Жабборов,**  
*Филология фанлари доктори, профессор*

**Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:**  
**Каромат Муллахўжаева**  
*филология фанлари номзоди*

**Дилнавоз Юсупова**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

Ушбу тўпламда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуманига юборилган илмий мақолалар жамланган. Тўпламда Алишер Навоий адабий-илмий меросининг мутоз адабиётимиздаги ўрни ва бугунги аҳамияти, шунингдек, шоир ижодига боғлиқ ҳолда матншунослик масалалари, тилшунослик муаммолари ҳақида сўз юритилади. Ўзбек навоийшунослигининг бугунги ҳолати ва истиқболи борасида муайян тасаввур бериши унинг аҳамиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Китоб филолог мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, магистр ва бакалавр талабалар ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-52-310-4

© “NAVOIY UNIVERSITETI”  
NASHRIYOT-MATBAA UYI”, 2019

<i>МАХАММАДИЕВА Юлдуз.</i> Навоий ва Феруз.....	438
<i>МАДИРИМОВА Соҳиба.</i> Мутриб ижодида Навоий анъаналари.....	440
<i>МАНСУРОВА Малика.</i> “Ишк ичра жунун анинг сифоти...”.....	441
<i>МУРТАЗОЕВ Бобоназар.</i> “Насойим ул-муҳаббат” ва “Нафаҳот ул-унс” қиёсига доир.....	443
<i>МУҲАММАДИЕВА Дилафуз.</i> Навоий ва Бобур ижодининг Туркияда ўрганилиши.....	444
<i>МАЛИКОВА Ситора.</i> Алишер Навоий чистон устаси.....	445
<i>НОРҚУЛОВА Шахноза</i> Алишер Навоий талқинида адаб.....	447
<i>НИЗОМОВ Фарҳод.</i> “Сабъай сайёр” достонида қаҳрамонлар руҳиятининг рақамларда акс этиши...	449
<i>ПРИМОВ А., ХУДОЙҚУЛОВА Ш.</i> Ҳалқ оғзаки ижодида Алишер Навоий образи.....	451
<i>РАҲИМОВА Гулбаҳор.</i> Субҳи саодат узра давлат шомидур.....	454
<i>РАҲИМОВ Комилжон.</i> Бухорода битилган тасаввуфга оид назарий манбанинг «Насойим ул-муҳаббат»га таъсири.....	456
<i>РАЖАБОВ Фахриддин.</i> Алишер Навоий адабий меросининг “Фаройибат” асари бадииятини шаклланишидаги ўрни .....	458
<i>РАҲМОНОВА Шаҳноза.</i> Чустийнинг Навоийга боғлаган таҳмиси.....	460
<i>РУЗМЕТОВ Шаҳзодбек.</i> Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ва “Сабъай сайёр” достонларида Абдураҳмон Жомий таърифининг қиёсий таҳлили.....	462
<i>САРИБОЕВА Мақсуда.</i> Буюк сўз соҳири.....	464
<i>СУЛАЙМАНОВА Лола.</i> А.С.Пушкин и А.Навои.....	466
<i>САҒАРОВА Ҳ., РАЖАБОВА М.</i> Навоий ва Фурқат.....	467
<i>ТИЛЛАЕВА Гулсанам</i> Алишер Навоий асарларида илм-фанни улуғлаш.....	470
<i>ТҮРАЕВА Дииноза.</i> Тарихий романларда Алишер Навоий образининг бадиий талқини.....	471
<i>ТҮХТАМУРОДОВ Фурқат.</i> “Ҳамса” образлари Муҳсиний талқинида.....	473
<i>УМАРОВ Сардорбек.</i> Фарруҳ ва Ахий ҳикоятида футувват талқини.....	475
<i>ФАЙЗУЛЛАЕВА Севара.</i> АЗИМОВА Гулбаҳор. Шоҳ ва дарвеш ҳикмати.....	478
<i>ҲЎЖАЕВ Тоҳир.</i> Навоий ғазалларида дунё ва олам ҳақидаги қарашлар талқини.....	479
<i>ХОЛДОРОВ Диљурод.</i> Навоий анъаналари барҳаёт.....	481
<i>ХОЛИЁРОВ Мурод.</i> Алишер Навоий ва мусика санъати.....	483
<i>ХУДАЙБЕРДИЕВ Акрам.</i> Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида эзотерик воқеликка интилиш комилликка эришишнинг шарти сифатида.....	484
<i>ЧОРИЕВА Муротой.</i> Ҳазрат Навоий қитъаларига баъзи шарҳлар .....	486
<i>ШОДИЕВ Одилжон.</i> Комил инсон гоясининг Мажнун образидаги акси.....	478
<i>ШОКИРОВА Диљархон.</i> Алишер Навоий асарларини умумий ўрта таълимда ўқитиш муаммолари..	490
<i>ШАРИПОВА Лайло.</i> Алишер Навоий ғазалиётида оддий фолклоризм.....	492
<i>ЮСУБОВА Умида.</i> Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати.....	493
<i>ЮЛДАШЕВА Гуландом.</i> Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди канадалик олима Мария Эва Субтелни нигоҳида.....	495
<i>ҚОДИРОВА Насима.</i> “Ҳамса” – маҳобатли тоғ (Навоийшунос олим талқинлари).....	498
<i>ҚАЮМБЕРДИЕВА Нуржакон.</i> “Бадое ул-бидоя” девонидаги фардлар бадиияти.....	500
<i>ҚОРАЕВ Шерхон.</i> Мирзо Улуғбек адабий мажлислари.....	501
<i>ҚУВВАТОВА Ҷ., СОҲИБОВА З.</i> Алишер Навоий ғазалларида баҳор ва куз фаслларининг рамзий-тимсолий талқини.....	503
<i>ҒИЁСОВА Ҳилола.</i> “Назм ул-жавоҳир”нинг яратилиш тарихи, ўрганилиши.....	505
<i>ҲАҚИМЖОНОВА Раъно.</i> Навоий ижодида етакчи мотив.....	506
<i>ҲАЙИТОВ Шавкат.</i> Тарикат мақоми талқинида ояти кариманинг ўрни.....	509
<i>ҲАМИДОВА Моҳинур.</i> Кичик жанрда катта маҳорат.....	511
<i>ҲОЖИЕВА Г., НАЙИМОВА М.</i> Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида мусиқага муносабат масаласи.....	513

## МУТРИБ ИЖОДИДА НАВОЙ АНЬАНАЛАРИ

МАДИРИМОВА Соҳиб  
ТошДУЛОН  
(Ўзбекистон)

Бадий адабиёт ривожида ижодий анъаналарнинг ўрни алоҳида. Ижодий анъана, биринчидан муайян даврга мансуб шоиру адибларнинг салафлар маҳоратидан сабоқ олишлари, иккинчидан, поэтик образ ва поэтик шаклларнинг янгиланиши, такомиллашувини таъмин этишига кўра адабий-эстетик тафаккур такомилига хизмат қиласиди. Хоразм адабий муҳити намояндлари, жумладан, Мутриб шеъриятига Алишер Навоий анъаналарининг таъсирини ўрганиш ана шу жиҳатдан долзарбдир.

Мутриб шеъриятида ҳазрат Алишер Навоий ижодий анъаналари икки усулда давом этгани күзатилади: 1) буюк салафи ғазалларига татаббуълар ёзиш; 2) улуғ шоир ғазалларига тахмис боғлаган.

Мутриб Навоийнинг бир неча ғазалларига татаббуъ боғлаган. Бу орқали буюк мутафаккик ижодхонасидан сабоқ олган, назмий маҳоратини оширган. Жумладан, Навоийнинг “пайдо” радио ли ғазалига боғлаган татаббуъси бадийят жиҳатидан пухта, мазмунан теран эканлиги билан алоҳида ажralиб туради. “Татаббуъ” лугатда бирор нарсанинг изидан бориш, адабий истилоҳ сифатига бирор шоир шеъридан таъсиrlаниб, ундаги вазн, қофия радиф ва образлар тизимини саклаган холда асарлар яратиш экани маълум [4; 200-201 бетлар]. Шарқ шеъриятида олдинги ёки замондош шоирлар шеърига жавоб айтиш, муайян шеърий “қолипда” адабий маҳорат ва ижодкорлик иктидорини намойиш этиш анъанаси аксар ҳолларда татаббуъ кўринишида намоён бўлган [3; 335-бет]. Мана, Мутриб қаламига мансуб мазкур татаббуънинг матлаъси:

Зиҳе жонларга ҳамдингдин бўлиб файзу сафо пайдо,  
Хаёлингдин кўнгулларга бўлиб ҳар муддао пайдо [2; 1<sup>a</sup>].

Бу ғазал Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидагимана буҳамд ғазалга татаббуъ бўлиб келган. Навоий ғазалининг матлаъси куйидагича:

Юзунг кўзгусидин оламда юз нуру сафо пайдо,  
Куёши андин анингдекким қуёшдин зарра нопайдо.[1; 2.]

Мутриб ғазали татаббуъ тарзида, Навоий ғазалидаги вазн, радиф ва қофияга мос равиша ижод қилинган. Ҳар икки ғазалда вазн бир хил – ҳазажи мусаммани солим (рукнлари ва тақтийи: мафоилин мафоилин мафоилин V --- V --- V --- V ---). Радиф ҳам татаббуъга мос – бир хил. Бирок қофияда муайян фарқ борлиги кузатилади. Навоий ғазали тўkkиз байтли бўлиб, сафо, заррано, даво, интиҳо, бало, ано, жафо, фано, санго, наво каби берилади. Мутриб ғазалида сафо, наво қофиялари тақрорланган, холос. Қолган олтита қофия – муддао, жило, зиё, вафо, дилкушо, раҳнамо Мутриб ижодининг маҳсули. Шунинг баробарида, Мутриб Навоий қўллаган мужаррад қофиянинг оҳангдорлигини (чўзиқ “о” унлисининг равий бўлиб келиши) сақлаган.

Мутрибнинг шеъриятида Навоий анъаналарини давом эттириши татаббуъ ёзиш билангина чекланмайди. Шоир буюк салафи ғазалларига тахмислар ҳам боғлаган. Улуғ ижодкорлар ғазалларига тахмис боғлашнинг масъулияти катта бўлган. Боғланган уч мисра ғазалга вазн, қофия, энг муҳими, моҳият ва бадий маҳорат эътибори билан мувоғик бўлиши, бир шоир томонидан ижод қилингандек таассурот қолдириши зарур бўлган. Мутрибнинг Навоий ғазалларига боғлаган тахмислари ана шу талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу эса, шоирнинг буюк салафи ижодидан теран ҳабардор бўлгани, унинг маҳорати сирларини чукур ўргангани исботидир. Навоийнинг “айлаб” радифли ғазалига боғланган мухаммаснинг қуйида келтирилган биринчи банди бу фикрни тасдиқлайди:

Вафо меҳрин кўнгул кошонасига интихоб айлаб,  
Мурувватдин жаҳон аро жамолин бениқоб айлаб,  
Биҳамдиллаҳ мани бир камтаринидинҳисоб айлаб,  
Тун оқшом қелди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул юза хайдин гулоб айлаб [2; 220<sup>b</sup>].

Кўнгил кошонасига вафо қуёшининг танлангани, ёрнинг мурувват кўрсатиб, жамолини жаҳон аро бениқоб айлаши, камтарин лирик қаҳрамонни муносиб кўргани шукронаси ифодаланган Мутриб сатрлари Навоий газали матлаъсига монанд ижод этилганини эътироф этиш зарур. Мухаммаснинг охирги банди куйидагича:

*Не хуши давлатдуурким, бодайи васл ила маст ўлмоқ,  
Кўруб файзи висолидин жафо кун-кундин афзунроқ,  
Ётиб Мутриб каби хоки дарида ўйлаким, туфроқ,  
Ониким, элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек ётар то субҳи маҳшартарки хоб айлаб [2; 221<sup>a</sup>].*

Бу сатрлар, биринчидан, Мутрибнинг шоир сифатидаги маҳорати юксак эканидан, иккинчидан, Навоий мисраларига ҳар жиҳатдан мос тахмис боғлай олганидан далолат беради.

Мутриб Хонахаробий ўзининг девонида келтирилган мухаммасларида Навоий, Феруз, Мунис каби мумтоз адабиётимиз вакилларининг ижоди билан яқиндан танишади ҳамда уларнинг газалларига тахмислар боғлайди. Девонга жами 16 та мухаммас киритилган бўлиб, 5 таси форс тилида, колган 11 таси туркий тилда, шулардан, 1, 5, 8-мухаммаслари Навоий газалларига боғланган тахмислардир. Бу мухаммаслар мазмунан теран ва бадиий жиҳатдан юкори.

Хулоса қилиб айтганда, Мутриб шеъриятда Навоий анъаналарини муносиб давом эттириди. Буюк салафи шеърларига битган татаббуълари, газалларига боғлаган тахмислари шоир учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлган ва унинг ижодий камолотида муҳим ўрин тутган. Шоирнинг бу йўналишдаги назмий асарларини кенгрок микёсда ўрганиш адабиётшуносликнинг галдаги вазифаларидандир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. / Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўртминчи том. – Т.: Фан, 1989.
2. Мутриб Хонахаробий. Девон. Кўлёзма. 1902. ЎзР ФА ШИ инвентар №2679.
3. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик (1 китоб). Дарслик. – Т.: Tamaddun, 2018.
4. Куронов Д. ва б. Адабиётшунослик терминлари лугати.–Т.: Akademnashr. 2010.

### “ИШҚ ИЧРА ЖУНУН АНИНГ СИФОТИ...”

МАНСУРОВА Малика  
ToшДЎТАУ  
(Ўзбекистон)

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари таркибига кирган “Лайли ва Мажнун” ишқий-фожиавий достони мазмунан жозибадорлиги ва таъсирчанлиги билан ажralиб туради. Достоннинг бош қаҳрамони Қайс Лайли ишқида телбага айланади ва бутун эл орасида Мажнун номини олади:

*Ишқ ичра жунун анинг сифоти,  
Мажнун дейилиб жаҳонда оти.*

Достонда Қайс образи орқали мажнунлик ҳолати ва унинг моҳиятини англаш мумкин. Адабиётунос олим Ваҳоб Раҳмонов мажнунлик тушунчасини иккига бўлган: зоҳирий мажнунлик ва жиннилик. “... зоҳирий мажнунлик – чин муҳаббатда шахснинг ўзлигини, эс-хушини йўқотиш даражасига етиши. Буни тасаввуф талқинида охирги камолот босқичларидан бири – тавҳид деб талқин қиласиз. Бу сулукнинг шундай даражасики, дарвеш оламни бир олий бутунлик – Аллоҳдан иборат деган холосага келади”[2; 38]. Алишер Навоий тилга олган мажнунлик тушунчасини замонавий адабиётимизда Эркин Аъзамнинг “Навоийни ўқиган болалар” ҳикоясида учратиш мум-